

## ТАЛАБАЛАРНИ МУХАНДИСЛИККА ЙЎЛЛАШДА ФИЗИК МАСАЛАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

П.Ф.Д. проф в.б **Ў.Н.Султонова**

Термиз мухандислик-технология институти.

**М.Қодирова**

Термиз мухандислик-технология институти талабаси

**Аннотация.** Уибу мақолада талабаларни мухандислик қобилиягини ривожлантиришида тадқиқотчилик муҳим аҳамиятли эътиборга олиниб масалалар ечиши муҳим эканлиги давр талабидан келиб чиқиб муаммо сифатида ёритиб берилди. Мақолада талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиши орқали билим олиши изланиши ва тадқиқот олиб бориши учун масалалар ечиши зарур эканлиги асослаб берилган. Тадқиқот характеридаги топшириқларнинг ва масалаларнинг, изланишига доир топшириқларнинг бажарилиши ўқувчилар иигилган фактлар (тажриба, кузатиш, адабиёт устида ишилаш) ва уларни назарий жиҳатидан таҳлил қилиши асослаб берилган.

**Калим сўзлар.** Талабаларни, мухандислик, инновацион, қобилият, изланиши, тадқиқотчилик, ривожлантириши, тажриба, кузатиш, системалаштириши, умумлаштириши.

**Кириш.** Талабалар мустақил ўқув фаолиятини ривожлантиришда фикрлаш кўникмасини шакллантириш, уларни дарсга бўлган қизиқишлирини ошириш мақсадида, қизиқарли масалаларни танлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Танланган масалалар аниқ бир тизимни ташкил қилиши ва аниқ бир мақсадга йўналтирилиши керак. Шунинг учун, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган айрим мавзуга ва бобга оид масалаларни танлашга алоҳида аҳамият бериш зарур.

**Мавзу баёни.** Масалани қўйиш жараёнида асосий роль ўқитувчига берилади. Кейинги жараёнда эса талабалар гоҳ адашиб, гоҳ тўғри йўлга тушиб ўз ғояларини таклиф қиласидилар. Аудитория доскасида ёки флипчарт қоғозда расмларни, схемаларни чизиб муҳокама қиласидилар. Улар орасидан мақбулини ажратиб оладилар. Ўқитувчи мазкур жараёнда йўналтирувчи вазифасини бажаради. Талабалар дарсликда келтирилган техник объектларни эслаб қолмасликлари боис, физик билимлар нафақат касбий балки кўпгина майший муаммоларни ечишда асос бўлиб хизмат қилишини англаб етмайдилар. Агарда касбий ва майший масалаларни қамраб олган типик масалаларни ажратиб олиб, уларнинг ечиш методлари талабаларга баён этилса, амалиётга йўналтириб тайёрлаш принципини самарали амалга ошириш мумкин бўлади. Бунинг учун қуидаги ишларни бажариш лозим бўлади:

1. Инсон ўз ҳаёти давомида учрайдиган қандай масалаларни физикадан олган билимларини қўллаб ечиши мумкинлигини аниқлаш.
2. ТОТМларда физика курсини ўрганиш пайтида типик масалаларни ечишни ўргатиш учун масалаларни танлаб олиш.
3. Ҳар бир типик масалани ечиш методини ўрганиб олиш.

1-масала. Конкрет масалани ечиш технологиясини ишлаб чиқиш.

1. Фаолиятнинг мақсадини белгилаб оламиз: Конкрет масалани ечиш технологиясини ишлаб чиқиш.
2. Шакллантирилган мақсад юқорида келтирилган элементларни ўз ичига олганлигини аниқлаймиз: фаолият кўрсатилган - ишлаб чиқиш; натижавий маҳсулот кўрсатилган -технология (метод), яъни бажариладиган ишлар тизими; натижавий маҳсулот хоссаси бўйича мақсадни шакллантириш равshan кўрсатилмаган, яъни, ҳаракатлар тизимини нима сабабдан ишлаб чиқиш кераклиги аниқ эмас. Экспериментал ва график масалаларнинг мазмуни ўрта мактабда физика ўқитишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиши, ДТС талабларига мослиги, масаланинг қўйилиши аниқ ва реал бўлиши, ўқувчи эса аниқ илмий билимга ва амалий кўниумага эга бўлиши керак.


Экспериментал масалаларни ечишда тажрибалар мактаб демонстрацион экспериментининг барча шарт-шароитларига амал қилган ҳолда қўйилиши керак. Бунда асбоблар ва ҳодисаларнинг яхши кўринаётганига алоҳида эътибор бериш керак. Экспериментни бажариш жараёнига ўқитувчининг ўзи раҳбарлик қилиш зарурдир. Демонстрацион экспериментал масалаларга мисол келтирамиз. Экспериментни бажариш жараёнига ўқитувчининг ўзи раҳбарлик қилиш зарурдир. Демонстрацион экспериментал масалаларга мисол келтирамиз. .[2,4]

Бир-биридан 30 см масофада жойлашган иккита параллел сим бо'йича бир хил ё'налишда о'згармас ток о'tади. Сим маҳкамланган таянчлар орасидаги масофани(симларнинг узунлиги) 50 м. Симлардаги ток кучи 150 А. Симларнинг о'заро та'sир кучи модулини ва ё'налишини аниқланг.

*Берилган:*  $i_1=i_2=i = 150$  А-ҳар бир симдаги ток кучи;  $a=0,3$  м-симлар орасидаги масофа;  $l = 50$  м-таянчлар орасидаги масофа; жадвалдан:  $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7}$  Н/м-магнит доимийси;  $\mu = 1$ -ҳавонинг магнит сингдирувчанлиги. *Топии керак:* Ф-симларнинг о'заро та'sир кучини (модули ва ё'налишини).

*Ечилиши.* Симнинг актив қисми узунлиги сифатида таянчлар орасидаги масофани қараб чиқамиз.  $l \gg a$  ни ҳисобга олиб, симни чексиз узун деб ҳисоблаш мумкин, у ҳолда о'заро та'sир кучини қуидаги формуладан топамиз:

$$F = \mu_0 \mu \frac{I^2 l}{2\pi a}; F = \frac{4\pi \cdot 10^{-7} H/m \cdot 1(150)^2 50m}{2\pi \cdot 0,3m} = 0,75 \text{ H.}$$



.1- rasm

Симларга та’сир этувчи кучнинг ё’налишини аниқлаш учун 1-расмдан фойдаланамиз. Симлар орасида(ички томонда) магнит майдон заифлашади (индуктсия чизиқлари бир-бирига қараб ё’налган), ташқи томонда иккала симнинг майдон индуктсияси чизиқлари бир хил ё’налишга эга-бу ерда майдон кучайган, демак, бир хил ё’налган токда симлар о’заро тортишиши керак. .[1,2]

*жавоби.* Симларнинг о’заро тортишиш кучи 0,75 Н га teng.

Экспериментал масалаларни ечишда тажриба ва кузатишларни ўкувчиларни ўзлари мустақил равишда олиб боришлари натижасида ўкувчиларда мустақил ишлаш кўникма ва малакалари шакланади ва ривожланади.

Ўрганиш обьекти физик катталикларнинг боғланиш графикларидан иборат бўлган масалалар график масалалар дейилади.

Баъзи ҳолларда бу графиклар масаланинг шартида берилади, баъзи ҳолларда эса уларни жамлаш керак бўлади.

Графикли масалаларни ечишда:


- ўкувчилар графикларни «Ўқиши» ва содда графиклар ясаш кўникма ва малакаларига бўлиш керак. графиклар билан ишлашни тобора мураккаблаштириб, ўкувчиларга катталиклар орасидаги миқдорий боғланишларни топишни тавсия қилиш, тики тенгламаларни тузишгача бориш керак. .[3]

График масалалар ечишнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

- 1) агар катталиклар орасидаги боғланишлар графиги берилган бўлса, у ҳолда уни тушунтириш, ҳар бир бўлимдаги боғланишни характерини ўрганиш керак; 2) масштабдан фойдаланиб, графикдан изланаётган катталикларни (абсцисса ва ордината ўқларидаги қийматларини) топиши керак; 3) Агар боғланиш графикни берилмаган бўлса, у ҳолда маҳсус жадваллардан ёки масаланинг шартидан олинган қийматларига қўра график тузилади. Бунинг учун координаталар ўқлари чизилади, уларда маълум масштаб танланади,

жадваллар тузилади, шундан кейин координата үқлари бўлган текисликка тегишли ордината ва абсициссаларга мос нуқталар қўйилади. Бу нуқталарни бирлаштириб, физик катталиклар орасидаги боғланиш графиги ясалади, сўнгра юқорида айтиб ўтилган тартибда ўрганилади. Мисол тариқасида қўйидаги масалани кўрамиз.[1,2]

2 - расмда берилган графикдан фойдаланиб жисмларнинг қандай ҳаракатланганлигини айтиб беринг ва ҳар бир ҳаракат учун тезлик формуласини ёзинг. Ўқувчилар мустақил равишда графикка қараб, ҳаракатни таҳлил қилишади. Графикнинг ҳар бир қўринишини алоҳида таҳлил қилинг. Графикдаги ҳаракатлар ўқувчилар томонидан қўйидагича таҳлил қилинади:  
 а) Агар вақт ўтиши билан тезлик ортса, ҳолда ҳаракат тезланувчан.  
 б) Агар вақт ўтиши билан тезлик камайса секинланувчан.



с) Агар тезлик доимий қолса текис ҳаракат бўлади. 2. Ўзгарувчан ҳаракат учун  $a = \frac{\Delta \vartheta}{\Delta t}$  тезланиш аниқланади. 3. Текис ўзгарувчан ҳаракат учун тезланиш формуласидан тезлик формуласи ёзилади.

$\vartheta = \vartheta_0 + a \cdot t$  бўлади. 4. Графикдан доимий катталиклар аниқланади: Тезлик ўқидан  $\vartheta_0$  ва ҳисоблаш йўли билан  $a = \frac{\Delta \vartheta}{\Delta t} = \frac{\vartheta_2 - \vartheta_1}{t_2 - t_1}$

топилади.  $\vartheta_0$  ва  $a$  нинг қиймати умумий формулага қўйилади. Ўқувчиларнинг жавоблари асосида хulosaga келиш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг олган назарий билимлари асосида графикларни қандай таҳлил

қилгани, уларнинг мустақил фикрлашлари асосида графикларнинг таҳлили кўриб чиқилади.

бошланғич тезлиги  $2 \text{ м/с}$  га тенг бўлган текис тезланувчан ҳаракат. ИИИ - бошланғич тезлиги  $7\text{м/с}$  бўлган текис секинланувчан ҳаракат.

ИВ – бошланғич тезлиги нолга тенг, бўлган текис тезланувчан ҳаракатнинг хусусий ҳоли. В – тезлиги  $v = 4 \text{ м/с}$  тенг бўлган текис ҳаракат.

Юқоридаги хulosаларга кўра, тезланишлар қийматларини тезлик формуласига қўйиб, тенгламалар ёзилади:

$$\text{И} \quad \vartheta_0 = 0; \quad a = \frac{7\text{м/с}}{5c} = 1,4\text{м/с}^2; \quad \vartheta = 1,4t$$

$$\text{ИИ} \quad \vartheta_0 = 2\text{м/с}; \quad a = \frac{7\text{м/с} - 2\text{м/с}}{5c} = 1\text{м/с}^2; \quad \vartheta = 2 + t$$

$$\text{ИИИ} \quad \vartheta_0 = 7\text{м/с}; \quad a = \frac{0\text{м/с} - 7\text{м/с}}{6c} = 1,2\text{м/с}^2; \quad \vartheta = -7 + 1,2t$$

$$\text{ИВ} \quad \vartheta_0 = 0; \quad a = \frac{7\text{м/с}}{5c - 2c} = 2,33\text{м/с}^2 \quad v = 2,33(m_2 - 2)$$

В  $\vartheta_0 = 3\text{м/с}$ ;  $a = 0$  текис ҳаракат. Уни тезланиши 0 га тенг бўлган текис ўзгарувчан ҳаракатнинг хусусий ҳоли сифатида қараш мумкин.

$\vartheta = \vartheta_0 + 0 \cdot t = \vartheta_0$  бўлади деб таҳлил этилади. Бу фикрлар орқали график асосида масала тўлиқ ишланган ҳисобланади. Ўқувчилар масалаларни мустақил равишда ечиш орқали: - назарий билимларни мустаҳкамлайди;

- мустақил ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади ва ривожланади;
- физик катталиклар орасидаги боғланишларни ўрганади;- физиканинг қонунларини онгли равишда ўзлаштиришига эришади;- масаланинг шартига қараб график ясаш қобилияти пайдо бўлади;- графикларга қараб физик катталикларни берилганларини ёзиб олишга ўрганади.

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. Султонова Ў.Н. Муаммоли масалалар ечишда компетенциявий ёндашув. Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари илмий-назарий журнали. 2020-йил 12-сон 4-10 бет00.№ 32)
2. Султонова Ў.Н. Талабаларнинг физикадан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда эксперементал ва график масалалар.2018 й, 200 - 202.Б
3. Султонова Ў.Н. Инновацион технология модели-таълимда юқори самарадорлик гаровидир. Актуальные вызовы современной науки// Сб научных трудов- Переяслав, Международная научная конференция. 26-27июня.-2020. Вып.5(49), 91-94 бет
4. Султонова Ў.Н., “Техника ва технологик фанлар соҳаларининг инновацион масалалари мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман материаллари” 22 сентябрь -.: 2020 й, 393-395.Б